



№ 38
2020-yil, 28-oktabr
Chorshanba (32.633)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

O'zbekiston ovozi

Улуглардан улугимсан, Ватаним!

«Ўзбекистон овози» газетасига обуна давом этмоқда

Мурожаат учун телефонлар:
71 233-65-45, +99891 162-72-81,
71 236-74-33

ОБУНА ИНДЕКСИ — 220

Қуёш ва шамол электр станциялари барпо этилади

● Энергетика соҳасига хусусий инвестициялар кириб келиши учун замин яратилди. Натижада бир йилнинг ўзида давлат-хусусий шериклик асосида 2 миллиард долларлик тўғридан-тўғри сармояларни жалб қилиш, 2 минг 700 мегаватт қувватли 6 та янги электр станциясини қуриш бўйича лойиҳалар бошланди.

● Бугунги кунда электр станцияларининг эскирганлик даражаси 50 фоиздан юқори. Бундан ташқари, эски қувватларда ёқилғи сарфи янги буғ-газ қурилмаларига нисбатан 2 баравар зиёд.

● «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари», «Худудий электр тармоқлари», «Иссиқлик электр станциялари» ҳамда «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамиятлари молиявий ҳисоботларни жаҳон стандартлари асосида тайёрлаш тизимига ўтилади.

● Бу халқаро кредит рейтинги олиш, келгусида еврооблигациялар чиқаришда муҳим омил бўлади. Мутасаддилар шу мақсадлардан келиб чиқиб, мазкур 4 та компаниянинг уч йиллик молиявий модели ва бизнес режаларини ишлаб чиқади.

● Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарёда қуёш, Бухоро ва Қорақалпоғистонда шамол, Сирдарё ва Сурхондарёда иссиқлик электр станциялари барпо этилиши режалаштирилган. Ушбу лойиҳаларга давлат-хусусий шериклик асосида инвестициялар йўналтириш белгиланган.



Президент Шавкат Мирзиёев 26 октябрь кунини электр энергетикаси корхоналарини трансформация қилиш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.



ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ

ҳақидаги ахборотлар эшитилди, тақлиф ва эътирозлар билдирилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» Давлат дастурининг 2020 йил учинчи чорагида бажарилиш ҳолати юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини эшитиб, муҳокама қилди.

2

ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАРГА МИКРОКРЕДИТЛАР ТАЪМИНОТСИЗ АЖРАТИЛАДИ

Манба: ПҚ-4862, 13.10.2020 й. @huquqiyaxborot

2020 йил 15 ноябрдан

Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби томонидан маълумланган дастурлар ва белгиланган талаблар асосида ташкил этилган ўқув курсларини тамомлаган ҳар бир битирувчи учун

касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотларига сарфланган харажатларнинг 70 фоизи, бироқ ҳар бир битирувчига 1 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдори давлат томонидан **КОМПЕНСАЦИЯ** қилинади

ушбу курсларни муваффақиятли тамомлаб, сертификат олган шахсларга **ЎЗ** бизнесини ташкил этиш учун **МИКРОКРЕДИТ** ажратилади

«МИКРОКРЕДИТБАНК» АТБ томонидан нодавлат таълим ташкилотлари махсус сертификатини олган қуйидаги шахслар:

Тадбиркорлик ташаббусига эга жисмоний шахслар, шу жумладан, ешлар ва хотин-қизларга **ЎЗ** бизнесини ташкил этиш учун

Микрофирма ва кичик корхона таъсис этган шахсларга учинчи шахс кафилиги, сугурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинган мол-мулклар гарови, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг кафилиги асосида

33 МИЛЛИОН сўмгача микрокредитлар таъминотсиз ажратилади

225 МИЛЛИОН сўмгача микрокредитлар ажратилади

Микрокредитлар **3 йил** муддатгача

6 ойгача имтиёзли давр билан

Марказий банкнинг **АСОСИЙ СТАВКАСИДА** ажратилади

2022 йил 1 январдан

Тадбиркорликка ўқитишнинг ягона тизими ишга туширилади

2021 йил 1 январга қадар

«Микрокредитбанк» АТБнинг аҳолини, айниқса, ешлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш бўйича янги бизнес модели ишлаб чиқилади

Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги

аҳолини тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, хусусан, уларни ўқитиш, микрокредит ажратиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш борасида ваколатли давлат органи этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

«COVID-19» касаллигига чалинган **65667** нафар беморнинг қайд этилиши ва соғайганлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар жадвали


2020 йил 26 октябрь, соат 23:00 ҳолатига

Худудлар	Қайд этилиши	Соғайганлар	Ҳисса
Қорақалпоғистон Респ.	727	685	94%
Андижон вилояти	1848	1760	95%
Бухоро вилояти	1287	1229	95%
Жиззах вилояти	563	536	95%
Қашқадарё вилояти	1377	1316	96%
Навоий вилояти	616	585	95%
Наманган вилояти	2379	2223	93%
Самарқанд вилояти	2307	2206	96%
Сирдарё вилояти	1056	978	93%
Сурхондарё вилояти	889	848	95%
Фарғона вилояти	559	531	95%
Хоразм вилояти	685	646	94%
Тошкент вилояти	12854	12278	95%
Тошкент шаҳри	38520	37055	96%

Жами: **65667** **62876** **95%**

фермер бўлиб ишлаб ҳам қўлим пул кўрмаган эди. Мана, икки йилдан буён ҳар ойда 4 миллиондан ойлик маош оляпман.

МЕДИА-ТУР



Бундан уч йил муқаддам давлатимиз раҳбари қишлоқ ҳўжалигини чуқур қайта ишлашни ва саноатни ривожлантирмасдан кўзланган мақсадга эришиб бўлмаслигини такрор ва такрор таъкидлаган эди. Шу мақсадда мамлакатимизда "пахта — тўқимачилик" кластерлари йўлга қўйила бошланди. Дастлаб Бухоро, Сирдарё ва Навоий вилоятларида бошланган "кластер" тажрибаси Тошкент вилоятида ҳам жорий этила бошланган эди.

Тўғриси, дастлаб бу янги лойиҳага ишонқирамай қараганлар ҳам бўлди. Аммо ўтган қисқа муддатда тўғри йўл танлангани ўз исботини топа бошлади. Бугун Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманида бўлсангиз, бунга ишонч ҳосил қиласиз.

Ушбу кластерларни шакллантиришдан мақсад — шаҳар, туман ва вилоят ичидида жойлашган бир хил соҳа корхоналарини ва улар билан ягона технологик занжирда бўлган таълим, илмий, инжиниринг, консалтинг, стандартлаштириш, сертифицирлаштириш ва бошқа хизматларни уйғунлаштириш — инновацион ишлаб чиқаришни ташкил этиш асосида рақобатбардosh товарлар яратишга йўналтиришдан иборатдир. Бунда аҳолини иш билан таъминлашдек муҳим жиҳат ҳам ўзини намойиш этади.

Тошкент вилояти ҳўқимлиги томонидан уюштирилган медиа-тур аввалида Тошкент вилоят ҳўқимининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси — матбуот котиби Беҳзод Қобулов вилоятда амалга оширилган ишлаб хусусида қисқача маълумот берди. — Вилоятимизнинг Қуйи Чирчиқ, Бўка, Бекобод, Чиноз, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл ва Оқўрғон туманларида 7 та пахта-тўқимачилик кластерлари ва 3 та пахта ишлаб чиқариш кооперацияси фаолияти йўлга қўйилган, — дейди у. — Хусусан, пахта тўқимачилик кластерларида жами 55 минг гектар майдонда 173 минг 740 тонна, шунингдек, пахта ишлаб чиқариш кооперацияларида 17 минг 993 гектар майдонда 55 минг 860 тонна пахта хомашёси етиштирилган. Яна шунинг қўшимча қилиб айтиш мумкинки, жорий йилда кластерлар томонидан 60 минг 901 гектар майдонда пахта хомашёси етиштирилди.

Бунинг учун кластерларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан 578 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Шунингдек, кластерларнинг ўз маблағлари ҳисобидан эса 52 миллиард сўм йўналтирилган. Маълумот ўрнида шунинг айтиш мумкинки, жорий йилда пахта ҳўқимининг 45 фоизи айнан пахта-тўқимачилик кластерлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Жумладан, 7 та кластерда ҳўқимдорлик 2019 йилдаги қараганда 1,5 баробарга ўсган. Бундан билиш мумкинки, пахтачиликдаги янги йўналиш, яъни кластерларнинг ташкил этилиши ўз самарасини бермоқда. Шу боисдан кейинги йилларда вилоятда пахта-тўқимачилик кластерлари сонини икки баробарга кўпайтириб, улар умумий пахта майдонининг 65-70 фоизини қамраб олиши режалаштирилган.

Медиа-турда иштирокчилар дастлаб "TCT RICE" маъсуляти чекланган жамиятида кластер усулда шўли етиштириш ва уни қайта ишлаш жараёнлари билан танишишди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, маъмур кластер жамоаси томонидан жо-

КЛАСТЕР ТИЗИМИ БУ —

аҳоли бандлигини таъминлайди, даромади ва турмуш даражасини оширади, ички бозорни арзон, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашга хизмат қилади. Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманидаги кластерлар фаолияти бунинг ёрқин мисолидир.

рий йилда 2,5 минг гектардан ортиқ ерда "Лауруний", "Искандар", "Мустақиллик", шунингдек, "Тарона" навли шўли етиштирилди. Деҳқончилик учун ноқулай келган бу йилги об-ҳаво шароити, айниқса, сув танқислигига қарамай, асосий майдонларда ҳўсил мўл бўлди. Гектаридан ўртача 70 центнердан ҳўсил йиғиштириб олинмоқда.

Етиштирилган бу йилги ҳўсил кластернинг ўзида тўлиқ қайта ишланади. Бунинг учун Қуйи Чирчиқ туманидаги "Сурум" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида қиймати 25 миллиард сўмликдан зиёд лойиҳа — "Шўлини қайта ишлаш ва сақлаш мажмуаси" бунёд этилди. Бундан ташқари, илгари шўли очиқ усулда сақланган бўлса, бу йилдан эътиборан ҳар бири бир тонналик маҳсул қолларга жойланмоқда. Бу ҳўқимни яхши сақлаш ва юқори сифатли гуруч ишлаб чиқариш имконини беради.

Ҳозир бу ерда замонавий заводни қуриш ва зарур технологик ускуналарни ўрнатиш ишлари якуний босқичга етган. Туркиянинг "Yashar Makina" компаниясидан олиб келинган 1,697 минг евролик ускуналар хорижлик мутахассислар томонидан ўрнатилмоқда. Маъмур завод Ўрта Осиёда энг йирик ишлаб чиқариш корхонаси ҳисобланиб, маъмур давомида 25 минг тоннадан 40 минг тоннагача шўлини қуриштириш ва қайта ишлаш қувватига эга. Бундан ташқари, корхона жамоаси шўлини қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантириб, истеъмолчиларга маҳсул идишларда етказиб беришни ният қилган.

— Туманимизда "Tashkent Cotton Textile cluster" ("TCT Cluster") кластери иш бошлагани туманининг иқтисодий аҳолини яхшилаш билан бирга қўллаб доимий иш ўринларини яратди, — дейди Қуйи Чирчиқ тумани ҳўқими Акмалхон Холмуродов. — Олдинлари фермерла-

риз ташкил этилди, — дейди "Tashkent Cotton Textile cluster" ("TCT Cluster") кластери корхонаси бош директори Ферузбек Ақобиров. — Умумий ер майдонимиз 37 минг 200 гектарни ташкил этади. Дастлаб, пахтачилик ва шўличилик тармоқлари билан шуғулланган бўлсак, жорий йилда 14 минг 300 гектар ерда галла парваришлаб юқори дон ҳўқимини олдик. Айни пайтда 10 минг гектардан ортиқ майдонда етиштирилган

маҳсулотларини етиштирибгина қолмасдан, бу маҳсулотларни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот сифатида истеъмолчиларга етказиб берамиз. Яъни, туманга саноатни олиб келаялгимиз. Бизга ҳўқиматимиз томонидан 3 йил ичидида 245 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳаларни амалга ошириш вазифаси қўйилган. Бунга эришилгач, кластеримизда ишловчилар сонини 10 минг нафардан ошадимиз ва бир йиллик солик тўловимиз 360-370

миллион сўмга етади ва экспорт салоҳиятимиз 80 миллион АҚШ долларини ташкил қилади.

"Шўлини қайта ишлаш ва сақлаш мажмуаси" билан танишгандан сўнг, ташкилотчилар журналистларни пахта далаларидаги терим жараёни билан таништирди. Кластер ҳудудларидаги оппоқ қордек бўлиб ястаниб турган пахта далаларида иш қизгин давом этмоқда. Пахта терими мавсуми карантин талабларига тўлиқ риоя қилган ҳолда ташкил этилганига гувоҳ бўлдик. Маълумот ўрнида шўли айтиш мумкинки, Қуйи Чирчиқ туманилик пахтакорлар белгиланган маррани Тошкент вилоятида биринчи бўлиб бажаришди. Ҳўқимдорлик гектарига 43-45 центнерни ташкил этмоқда. Хусусан, кластер томонидан жорий йилда 10 минг гектар ерда гўзанинг "Бухоро 6", "Бухоро 8", "Бухоро 102" навлари ва "Султон" нави экилиб парваришланбиди. Ҳар бир агротехника тадбирига илмий асосда ёндашилди, ўз вақтида бажарилгани, биологик усулда профилактика тадбирлари олиб борилгани мўл ҳўсил олишга замин яратибди. Қувонарлики, далаларда ҳали ҳўсил мўл. Шу боис кластер жамоаси

либ, замонавий қўчма устоналар фаолияти йўлга қўйилгани иш унумдорлиги ошишида муҳим омили бўлмоқда. Бундан ташқари, кейинги йилда гўза майдонларида экинни юз фоиз машинабоп қилиб парваришлаб, ҳўқимининг 80-90 фоизини агрегатлар ёрдамида йиғиштириб олишни режалаштирганмиз.

— Оппоқ ва қийғос очилган пахталарни қўриб, дилингиз қувнайди-а, — деб суҳбатга қўшилди учинчи ҳудуд раҳбари Жумадулла Ўразбоев. — Бу ерлар кластерга берилишидан олдин мен ҳам фермер эдим. Энди бўлса кластерда ишлаяпман. Очигини айтганим бўлсам, фермерлик пайтимида ердан шу даражада юқори ҳўсил олиш мумкинлиги тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмаган эканман. Пахта ва галланинг шартномавий режасини ҳам бажара олмагандан, ҳўқимимиз чиқиб, ҳаммасига ерни айблаб, ернинг ҳўлати яхши эмас, бунақанги ердан юқори ҳўсил олиб бўладими, деб юрган эканмиз-да. Мана, ҳўқимни қаранг, қўриб кўзингиз қувнайди. Қўп эмас, бундан 3 йил олдин мана шу ерларда пахтадан 43-45 центнердан ҳўсил олса бўлади, деб кимдир айтса ишонмас эдик. Чунки, биз зўрга пахтадан гектарига 11-12 центнердан ҳўсил олардик-да. Қисқаси, мен нимани айтмоқчиман, бу кластер дегани қишлоқ ҳўжалигига илмни, аниқ ҳисоб-китобни олиб кирди. Шу боисдан нимани экмасин, ундан юқори ҳўсил олишга эришяпти. Мен бу кластерда ишлаб кўп нарсани ўргандим, ёмон ернинг ўзи бўлмас экан. Фақат ерга ишлов беришни, қанақанги уруғ экишни билиш лозим экан. Ҳа, айтганича, фермер бўлиб ишлаб ҳам қўлим пул кўрмаган эди. Мана, икки йилдан буён ҳар ойда 4 миллиондан ойлик маош оляпман. Рўзгоримга баракка кирди. Ойланнинг фаровонлиги йилдан-йилга яхши бўлиб бораёпти.

Пахта далаларидаги қизгин иш фаолияти билан танишиб бўлганимиздан сўнг, Ферузбек Ақобиров галладан бўшаган майдонларга такрорий экин сифатида мош экилган ҳудудларни ҳам кўришга таклиф қилди.

— Бу галладан бўшаган майдонларнинг бир қисмига такрорий экин сифатида дуқкаки экин ҳўқимланган мош экилди, — дейди кластернинг маъсул ходими Умид Мамадаменов. — Мошни экишдан мақсад, жаҳон бозорини мошнинг бозори чақон ҳисобланади ва юз фоиз чет давлатга экспорт қиламиз. Бу дегани иккинчи экиндан ҳам анчагина фойда олса бўлади. Яна чет эл валютасида. Бу йил 2 минг 602 гектардан ошқ майдонга мош эканлигимиз боис, уни йиғиб-териб олиш учун АҚШдан "Pickett One Step" русумли 10 та мослама, Украинадан эса 12 та "ПП-3-4" жаткалар харид қилдик. Бундан мақсад қўл меҳнатидан воз кечиб, барча ишимизни техникалар ёрдамида бажаришдир. Чунки, ривожланган давлатларнинг барчаси шу йўналишда иш олиб боришади. Эътиборли жиҳати, мошни ўриб ва донини ажратиб олиб, қадоклашгача бўлган жараённинг барчаси техникалар ёрдамида бажарилади. Бу техникалар бир қунда 20 гектар мошни ўриб-йиғиб олади.

Бир сўз билан айтганда, кластер тизими бу қишлоқ аҳолисининг бандлигини таъминламоқда, даромади ва турмуш даражасини оширмоқда, ички бозорни арзон, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш имкониятини кенгайтирмоқда.

Буларнинг барчаси энг аввало одамларни ишли, турмушини фаровон қилди, мамлакатимиз иқтисодий қудратини оширади. Тошкент вилоятидаги кластерларнинг бугун эришавтган ютуқлари бунга қафолат бера олади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, "Ўзбекистон овози" муҳбири.

Олдинлари фермерларимиз ўз оиласи ва яқин қариндошларини вақтинча ишлатиб, уларга маълум миқдорда ойлик иш ҳақи тўлаб келган. Янада очикроқ айтадиган бўлсам, фақатгина пахта терим мавсумида одамлар иш билан банд бўлган. Яъни, туман ҳудудидаги фермерларимиз томонидан бор-йўғи 800 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланган эди. Кластер фаолияти йўлга қўйилиши билан туманимиз аҳолисидан 8 минг 600 нафари доимий иш ўрнига эга бўлди. Бундан ташқари, фермерлар томонидан давлатга йиллик 3 миллиард сўмлик солиқ тўловлари тўлаб келинган бўлса, кластерлар ташкил этилгач, йилгига 27 миллиард сўмлик солиқ тўловлари амалга оширилмоқда.



Савалар ШУТЎЛГАНОВ оёқини суриштирди

«Қасамёд қабул қилганлар орасида менинг ўғлим ҳам борлигидан бутун вужудим билан фахрланаман».

ТАДБИР

АКАДЕМИЯ КУРСАНТЛАРИ ВАТАНГА ҚАСАМЁД ҚИЛДИ

Маълумки, пандемия сабабли бу йил олий таълим муассасаларига қабул қилиш имтиҳонлари сентябрь ойида ўтказилди. Фаёқулдда вазиятлар вазирлиги Академиясига кириш имтиҳонлари ҳам карантин қоидаларига риоя этилган ҳолда шаффофлик ва ошкоралик таъминлари асосида ўтказилди.

Кунни кеча эса бу Академиянинг биринчи босқич курсантлари тантанали равишда «Ватанга қасамёд» қабул қилишди. Бу маросим уларнинг ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

Тадбирда Фаёқулдда вазиятлар вазирлиги раҳбарияти, Академия профессор-ўқитувчилари, ҳарбий хизматчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тантанали маросимда Академиянинг биринчи босқичига қабул қилинган курсантларни ўзбекистон Республикаси Фаёқулдда вазиятлар вазирлиги Академияси бошлиғи, генерал-полковник Қобул Бердиев табриклади, ўқишлари ўта масъулиятли ва шарафли хизматларида уларга муваффақиятлар тилади. Шунингдек, ушбу олий даргоҳ Академия мақомига эришгандан сўнг

«Ватанга қасамёд» тантанали тадбири илк марта ўтказилганини таъкидлади. Бу тадбирлар курсантларда фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотиши билан бир қаторда, уларга улкан масъулият юклатиши ҳам таъкидлади.

Бундан ташқари, Академиянинг юқори босқичларида аъло баҳоларга ўқитган ва жамоат ишларида фаол бўлган иқтидорли курсантлар «Вазир стипендиантлари» бўлганлиги муносабати билан уларга фахрий ёрликлар тантанали равишда топширилди.

— Мен болалигимдан ҳарбий хизматчи бўлишни орзу қилар эдим, — дейди Усмон Мамаражабов. — Мана, бугун орзуимга етдим.



Энди аъло ўқиб, ўз касбини пухта билишим керак. Бугун Ватанимизга, халқимизга муносиб фарзанд бўлиб, фуқароларимизнинг ҳаёти, соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш учун бор куч-ғайратимни аямай хизмат қилишга тантанали қасамёд қилдим. Бу ҳаётимдаги энг қувончли онлардан бири бўлиб, хотирамда умрбод муҳрланиб қолади. Академияда чуқур билим олиш билан биргаликда, она-Ватанимиз ва халқимизга сиз қилган хизмат қилиб,

мамлакатимиз равнақини оширишга, Президентимизнинг биз, ёшларга билдираётган юксак ишончларини оқлашга ваъда бераман.

— Олий ҳарбий таълим муассасасига ўқишга кириш ҳар бир йигит кишининг орзуси бўлса керак, деб ўйлайман, — дейди биринчи босқич курсанти Фаёзбек Мамасолиев. — Бугун мен Фаёқулдда вазиятлар вазирлиги Академиясининг курсанти бўлганимдан фахрланаман. Бугунги қасамёд менинг она Ватан олдидаги фарзандлик сўзим. Бу қасамёд ҳар биримизга катта масъулият юклайди. Мен юртимга садоқат билан хизмат қиламан.

Байрамона кайфият ҳукмронлик қилган тадбирда фарзандлари қасамёд қилаётганда ота-оналарнинг қувончи, гурури уларнинг юз-кўзларидан яққол кўриниб турарди.

— Она Ватанимизга, Президентимизга, халқимизга муносиб хизмат қилиш учун қасамёд қабул қилганлар орасида менинг ўғлим ҳам борлигидан бутун вужудим билан фахрланаман, — дейди Машхура Ниёзова. — Ҳамма курсантларни табриклайман. Ҳар бир ота-онага фарзанди билан бир умр гурурланиб юриш насиб этсин.

Тадбир якунида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий оркестри ижросида мардлик, ватанпарварлик ҳамда она юртини улуғловчи куй ва қўшиқлар янгради.

Бугун академияга ўқишга кирган ёшлар эртага эл-юртага хизмат қиладиган офицерлар, ўз касбининг усталари бўлиб етишади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири:

ТАРБИЯ

Абдулла АВЛОНИЙ

Тарбия «Педагогия», яъни бола тарбиясининг фани демакдур. Илми ахлоқнинг асоси тарбия ўлдугидан шул ҳусусда бир оз сўз сўйлаймиз. Боланинг саломати ва саодати учун яхши тарбия қилмак, танини пок тутмак, ёш вақтидан маслақини тузатмак, яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардан сақлаб ўсдурмакдур. Тарбия қилгучилар табиб кабирдурки, табиб хастанинг баданидаги касалига даво қилгани каби тарбияни боланинг вужудидаги жаҳл маразига «яхши хулқ» деган давони ичидан, «поклик» деган давони устидан беруб, катта қилмоғи лозимдур. Зероки, (Ҳассану ахлоқиқум) амри шарифи узра хулқимизни тузатмакга амр ўлинганмиз. Лекин хулқимизнинг яхши бўлишининг асосий панжаси тарбиядур.

Ахлоқимизнинг биносининг гўзал ва чиройли бўлишига тарбиянинг зўр таъсири бордур. Баъзилар «тарбиянинг ахлоққа таъсири йўқ, инсонлар асл яратилишида қандай бўлсалар, шундай ўсарлар, табиат ўзгармас»,

Ёмон хў тузалмайди дармон ила, Ипак ўлмас, ип, ранги алвон ила, Боқинг, бир дарахт мевасидур ёмон, Бўлур яхши пайванд, парво билан. Билур ҳар киши аслини рангидан, Ва ёким улангандаги зангидан», - демишлар.

Лекин бу сўз тўғри эмасдур. Чунки тарбиянинг ахлоққа албатта таъсири бўладур. Орамизда масал борки, «сут ила кирган, жон ила чиқар», мана бу сўз тўғридур. Расули акрам набийи муҳтарам саллолоху алайҳи васаллам афандимиз:

«Бешиқдан то мозорга боргунча илм ўрган», - демишлар. Бу ҳадиси шарифнинг маъноси бизларга далилдур. Ҳукамолардан бири: «ҳар бир миллатнинг саодати, давлатларнинг тинч ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлидур, демиш. Шарияти исломияда ўз болаларини яхшилаб тарбия қилмак оталарга фарзи айн, ўз миллатининг етим қолган болаларини тарбия қилмак фарзи кифоядур.

Ҳар кишининг дунёда ороми жони тарбият, Балки охирида эзур доруламони тарбият. Тарбият ҳамроҳ эътадур ҳур ила рузвонларга, Гар десам бўлмас хато жаннат макони тарбият.

Эй, оталар! Жонларингиздан суюк фарзандингиз, Ғайрат айланг ўтмасун вақт-замони тарбият, Мояи зилли хумодур тарбиятнинг сояси, Бизда анқо тухмидек йўқ ошёни тарбият.



БИОМЕТРИК ПАСПОРТ ЎРНИГА ID-КАРТАЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

ID-КАРТА – шахсни ва фуқароликни тасдиқлайдиган, шахсий биографик ва биометрик маълумотлар киритилган электрон ташувчи қурлма (чип)га эга бўлган ҳужжат

ID-КАРТНИ ФУҚАРОЛАР ҚАЕРДАН ОЛИШИ МУМКИН?

Олиш ва алмаштириш учун ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлиmalarига мурожаат қилиш мумкин

Алмаштириш учун эса давлат хизматлари марказларига мурожаат қилиш мумкин

ID-КАРТА ОЛИШ УЧУН НИМАЛАР ТАҚДИМ ҚИЛИНАДИ?

ариза-анкета → илгари берилган паспорт ёки ID-карта → туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома (ID-карта биринчи мартаба расмийлаштирилганда) → ваколатли органнинг қарори (ID-карта ашёвий далил сифатида олиб қўйилганда) → давлат божи тўланганлиги ҳақида қавтанция (электрон тарзда тўланганда қавтанция мажбурий эмас)

ID-КАРТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ҚАНЧА?

янги туғилган болага 1 ёшгача → муддати 2 йил (ота-оналар, васийларнинг ихтиёрига қўра)

1 ёшдан 16 ёшгача → муддати 5 йил (ота-оналар, васийларнинг ихтиёрига қўра)

16 ёшдан → муддати 10 йил

БИОМЕТРИК ПАСПОРТНИ ID-КАРТАГА АЛМАШТИРИШ:

2021 йил 1 январдан 2022 йил 31 декабргача **ИХТИЁРИЙ**

2023 йил 1 январдан 2030 йил 31 декабргача **МАЖБУРИЙ**

ID-карталар 1 иш кунинда расмийлаштириб берилди

Фуқароларнинг биометрик паспорти 2031 йил 1 январдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади

ID-картани расмийлаштириш учун ундирилган давлат божи **БҲМнинг 89% (198 МИНГ 470 СўМ)**

Манба: ПҚ-6065, 22.09.2020 й. ВМҚ-129, 06.03.2020 й. @huquqiyaxborot

РЕКЛАМА

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05. E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir SAFAR OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV Qalandar ABDURAHMONOV Hayotxon ORTIQBOYEVA
Ulug'bek VAFOYEV Guliston ANNAQILICHEVA Toshtemir XUDOYQULOV
Mahmud TOIR Muslihiiddin MUHIDDINOV

Qabulxona — (71) 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — (71) 233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — (71) 233-47-80, (71) 233-38-55
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruqsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1051. 1858 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni —
Topshirilgan vaqti — 21:30.
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchi: Bekzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

Газетанинг электрон савҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5